

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ МОТИВАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Меликова Элнора Шухратовна

*Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси ўқитувчиси,
Ўзбекистон Давлат Миллий Педагогика университети педагогика
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) изланувчиси
e-mail: elnoramelikova@gmail.com*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бўлажак чет тили ўқитувчиларида касбий мотивацияни ривожлантиришга хизмат қиладиган психологик шарт-шароитлар муаллифнинг шахсий тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тўрт блокли (мотивацион, мазмуний, жараёنли, натижавий) педагогик модель асосида таҳлил қилинади. Мақолада касбий мотивациянинг психологик механизмлари алоҳида-алоҳида санаб ўтилмасдан, балки улар ўртасидаги ички боғлиқлик ва педагогик амалиёт жараёнидаги конкрет намоён бўлиш шакллари орқали ёритилади. Таклиф этилаётган концептуал жадвал ҳар бир психологик шартнинг тегишли педагогик блокда қандай амалий кўринишга эга бўлишини кўрсатади, бу эса назарий таҳлилни амалиётга яқинлаштиради.

Калит сўзлар: *касбий мотивация, психологик шарт-шароит, бўлажак чет тили ўқитувчиси, тўрт блокли модель, ўз-ўзини касбий англаш, рефлексия, касбий идентификация.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье психологические условия развития профессиональной мотивации у будущих учителей иностранного языка анализируются на основе разработанной автором в рамках собственного исследования четырёхблочной (мотивационный, содержательный, процессуальный, результативный) педагогической модели. Психологические механизмы профессиональной мотивации рассматриваются не как изолированный перечень, а через их внутреннюю взаимосвязь и конкретные формы проявления в процессе педагогической практики. Предложенная концептуальная таблица показывает, каким образом каждое психологическое условие проявляется в соответствующем педагогическом блоке, что приближает теоретический анализ к практике.

Ключевые слова: *профессиональная мотивация, психологическое условие, будущий учитель иностранного языка, четырёхблочная модель,*

профессиональное самосознание, рефлексия, профессиональная идентификация.

ANNOTATION

This article analyzes the psychological conditions for developing professional motivation among future foreign language teachers, based on a four-block pedagogical model (motivational, content, procedural, and outcome-based) developed by the author within her own research. The psychological mechanisms of professional motivation are examined not as an isolated list but through their internal interconnection and concrete manifestations in the process of pedagogical practice. The proposed conceptual table shows how each psychological condition manifests within its corresponding pedagogical block, bringing the theoretical analysis closer to practice.

Keywords: professional motivation, psychological condition, future foreign language teacher, four-block model, professional self-awareness, reflection, professional identification.

КИРИШ

Чет тили ўқитувчисини тайёрлаш жараёни бошқа педагогик йўналишлардан бир жиҳати билан фарқ қилади: бу соҳада талаба нафақат педагогик, балки лингвистик ва коммуникатив компетенцияларни ҳам эгаллаши, шу билан бирга ўзга тил ва маданиятни ўргатиш жараёнининг психологик мураккабликларига (тил тўсиғи, ўқувчиларда мотивация етишмаслиги, доимий равишда чет тилида мулоқот юритиш зарурати) тайёр туриши лозим. Айнан шу хусусият туфайли бўлажак чет тили ўқитувчисининг касбий мотивацияси бошқа фан ўқитувчиларига нисбатан кўпроқ психологик омилларга — хусусан, ўз тил кўникмаларига бўлган ишонч, маданиятлараро мулоқотга тайёрлик каби жиҳатларга — боғлиқ бўлади.

Амалий кузатувлар шуни кўрсатадики, педагогика олий таълим муассасаларига қабул қилинган талабаларнинг касбга муносабати бир хил эмас: бир қисми тилни ўзи учун, бир қисми уни бошқаларга ўргатиш учун, яна бир қисми эса кўпроқ ташқи сабаблар (ота-она хоҳиши, олий маълумот олиш эҳтиёжи) билан танлайди. Шу боис масалани фақат “мотивация бор ёки йўқ” тарзида эмас, балки уни қандай психологик шароитлар орқали барқарор касбий мотивацияга айлантириш мумкинлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур мақоланинг мақсади — бўлажак чет тили ўқитувчиларида касбий мотивацияни ривожлантиришга хизмат қиладиган психологик шарт-

шароитларни аниқлаш ва уларни муаллиф томонидан ишлаб чиқилган тўрт блокли педагогик модель (мотивацион, мазмуний, жараёнали, натижавий) контекстида тизимлаштиришдан иборат.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Касбий мотивация масаласи психология фанида турли назарий йўналишларда ёритилган. Э.Диси ва Р.Райаннинг ўз-ўзини белгилаш назарияси инсон хатти-ҳаракатини бошқарувчи мотивларни автоном (ички) ва назорат остидаги (ташқи) турларга ажратади ҳамда автономия, компетентлик ва бошқалар билан алоқадорлик эҳтиёжларининг қондирилиши мотивация сифатига бевосита таъсир қилишини асослайди. Ушбу ёндашувни педагогик амалиётга татбиқ этганда, бўлажак ўқитувчининг дарс бериш жараёнидан қониқиш ҳосил қилиши — унинг компетентлик ҳиссини қондирувчи омил сифатида — мотивациянинг ички табиатли бўлишига хизмат қилиши кўринади.

А.Маслоу таклиф этган эҳтиёжлар иерархияси эса касбий фаолиятдаги юксак поғона — ўз имкониятларини рўёбга чиқариш эҳтиёжи — билан боғлиқ жиҳатларни очади: талаба ўқитувчилик касбини шунчаки тирикчилик манбаи эмас, балки ўз салоҳиятини намоён этиш майдони сифатида идрок эта бошлаганда, мотивация янги, юқорироқ даражага кўтарилади. С.Л.Рубинштейн ва А.Н.Леонтьевнинг фаолият назарияси мотивнинг фаолият мазмунидан ажралмаслигини, яъни талаба амалга ошираётган ҳар бир педагогик ҳаракат (дарс режалаштириш, ўқувчи билан ишлаш) унинг мотивацион тузилмасига бевосита таъсир қилишини кўрсатади. Л.С.Виготский эса шахснинг ривожланиши ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсир орқали кечишини таъкидлаб, талабанинг касбий мотивацияси атрофдаги одамлар ўқитувчилар, амалиёт раҳбарлари, курсдошлар билан муносабатлардан алоҳида шаклланмаслигини асослайди.

Ўзбек педагогика фанида Ж.Йўлдошев, Б.Зиёмуҳаммедов каби олимларнинг ишларида педагогик маҳорат ва касбий сифатларни шакллантириш масалалари кенг ёритилган бўлса-да, чет тили ўқитувчиларини тайёрлашга хос психологик шарт-шароитлар, айниқса уларни яхлит педагогик модель доирасида тизимлаштириш масаласи ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур мақола ушбу бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот муаллифнинг диссертация тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган тўрт блокли мотивацион, мазмуний, жараёнали ва натижавий педагогик моделга асосланади. Ушбу модель бўлажак чет тили ўқитувчисининг касбий шаклланиш жараёнини тўрт босқичда кўради: (1) мотивацион блок касбга

нисбатан дастлабки муносабат ва эҳтиёжларнинг шаклланиши; (2) мазмуний блок касбий билим ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилиши; (3) жараёنли блок педагогик амалиёт давомида кўникма ва малакаларнинг шаклланиши; (4) натижавий блок касбий мотивациянинг барқарор шахсий сифатга айланиши.

Мазкур мақолада психологик шарт-шароитлар айнан ушбу тўрт блок билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади, бу эса уларни абстракт рўйхат сифатида эмас, балки касбий шаклланишнинг муайян босқичига тегишли, амалий аҳамиятга эга омиллар сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Таҳлил услуби сифатида назарий манбаларни қиёсий-мазмуний таҳлил қилиш ҳамда педагогик амалиёт жараёнидаги кузатувларни умумлаштириш усулларидадан фойдаланилди.

Натижалар ва муҳокама

Тўрт блокли моделга асосланган ҳолда, бўлажак чет тили ўқитувчиларида касбий мотивацияни ривожлантиришга хизмат қиладиган психологик шарт-шароитлар қуйидаги жадвалда умумлаштирилди.

1-жадвал. Психологик шарт-шароитларнинг педагогик модель блоклари билан боғлиқлиги

Педагогик блок	Психологик шарт-шароит	Чет тили ўқитувчиси тайёрлашдаги амалий кўриниши
Мотивацион блок	Ички мотивацион йўналганлик	Талаба тилни ўргатишдан моддий манфаат эмас, балки мулоқот ва билим узатишдан қониқиш олади
Мотивацион блок	Касбий ўз-ўзини англаш	Талаба ўз тил компетенцияси ва педагогик имкониятларини реал баҳолай олади
Мазмуний блок	Касбий қадриятлар тизими	Тил ва маданиятни ўргатишга ижтимоий хизмат сифатида қараш шаклланади
Мазмуний блок	Касбий идентификация	Талаба ўзини “тил ўргатувчи мутахассис” сифатида ички қабул қиладди
Жараёнли блок	Рефлексив қобилият	Амалиёт давомида дарс таҳлили орқали ўз хатоларида хулоса чиқариш
Жараёнли блок	Эмоционал-иродавий барқарорлик	Синфда тил тўсиғи, ўқувчи қизиқишининг пастлиги каби қийинчиликларга

		бардош бериш
Нативавий блок	Қўллаб-қувватловчи ижтимоий-психологик муҳит	Амалиёт раҳбари ва профессор-ўқитувчилардан олинган конструктив фикр- мулоҳаза орқали ишончининг мустаҳкамланиши

Жадвалда кўрсатилгандек, мотивацион блокда касбий мотивациянинг дастлабки, “туртки берувчи” шартлари жамланган — булар талабанинг ўзига ва касбга бўлган ички муносабатини белгилайди. Мазмуний блокда эса мотивация аста-секин қадриятли асосга ўтади: талаба учун тил ўргатиш шунчаки касб эмас, балки маълум ижтимоий аҳамиятга эга фаолият сифатида англанади. Жараёни блокда психологик шарт-шароитлар амалиёт синовидан ўтади — айнан шу босқичда рефлексия ва эмоционал барқарорликнинг етарли даражада шаклланиши мотивациянинг пасайишига олиб келиши мумкин, чунки талаба биринчи мартаба реал синфдаги қийинчиликлар (масалан, ўқувчиларнинг чет тилига қизиқмаслиги ёки ўз нутқида хатога йўл қўйишдан қўрқиш) билан юзма-юз келади. Ниҳоят, нативавий блок мотивациянинг барқарорлашуви учун ташқи муҳит — устозлар ва ҳамкасблар томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш — қанчалик аҳамиятли эканини кўрсатади.

Шундай қилиб, психологик шарт-шароитларни алоҳида-алоҳида эмас, балки касбий шаклланиш жараёнининг муайян босқичига боғлаб кўриб чиқиш уларнинг амалий педагогик аҳамиятини яққолроқ намоён этади: ҳар бир блокда қайси психологик шарт устувор эканини билиш олий таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнини шунга мос равишда ташкил этиш имконини беради. Масалан, биринчи босқич талабалари билан ишлашда касбий ўз-ўзини англашни ривожлантиришга, амалиёт босқичидаги талабалар билан эса рефлексив кўникмаларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Бўлажак чет тили ўқитувчиларида касбий мотивацияни ривожлантириш яқка психологик омил эмас, балки касбий шаклланишнинг турли босқичларида турлича намоён бўладиган шарт-шароитлар тизими орқали таъминланади. Тавсия этилган тўрт блокли модель доирасидаги таҳлил шуни кўрсатадики, мотивацион блокда ички йўналганлик ва ўз-ўзини англаш, мазмуний блокда қадриятлар ва касбий идентификация, жараёни блокда рефлексия ва эмоционал барқарорлик, нативавий блокда эса қўллаб-қувватловчи муҳит устувор аҳамият касб этади. Ушбу боғлиқликни инобатга олган ҳолда олий

таълим муассасаларида педагог кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбга бўлган муносабатини сифат жиҳатдан яхшилаш ва мотивациянинг барқарорлашувига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Deci, E.L., Ryan, R.M. The “What” and “Why” of Goal Pursuits: Human Needs and the Self-Determination of Behavior // Psychological Inquiry. — 2000. — Vol. 11, No. 4. — P. 227–268.
2. Maslow, A.H. Motivation and Personality. — New York: Harper & Row, 1954. — 411 p.
3. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 2002. — 720 с.
4. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. — М.: Смысл, 2005. — 352 с.
5. Выготский Л.С. Педагогическая психология. — М.: Педагогика, 1991. — 480 с.
6. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. — Тошкент: Ўқитувчи, 2004. — 262 б.
7. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика: янги давр, янги ёндашувлар. — Тошкент: Fan va texnologiya, 2015. — 184 б.
8. Каримова В.М. Психология. — Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти, 2008. — 358 б.